

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 2 СОН

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 2

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 2



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабилова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазль Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна КОРОНАВИРУС В УЗБЕКИСТАНЕ: ЧТО СДЕЛАНО И ЧЕГО НЕ ХВАТАЕТ ДЛЯ СТАБИЛИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ В СТРАНЕ.....	4
2. Алиқориев Нуриддин Сафарқориевич, Каримова Наргиза Ядгаровна ЁШ ОИЛАЛАРДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ.....	15
3. Латипова Нодира Мухтаржановна, Махмудова Мунира Джураевна ИННОВАЦИОННЫЕ ФОРМЫ СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ В СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ СЕМЕЙ.....	27
4. Сеитов Азамат Пулатович, Султанова Фируза Мамадалиевна ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ И ХАРАКТЕРИСТИКА МЕХАНИЗМОВ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА.....	36
5. Сеитов Мансур Шерикбаевич, Муратов Тимур Равильевич СТРАТЕГИЯ РАБОТЫ ОТДЕЛА «ЭКСПРЕСС ИССЛЕДОВАНИЙ» ПО ТЕХНОЛОГИИ SAWI В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ И ВОЗМОЖНОСТИ ПЕРЕХОДА НА ДИСТАНЦИОННУЮ ФОРМУ РАБОТЫ.....	43
6. Нематова Дилфузахон Туланбаевна СОЦИАЛЬНЫЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ БЕДНОСТИ И БОРЬБА С НЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ....	54
7. Абдувалиева Мумтозхон Асилбековна ПРОБЛЕМЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ СТИГМАТИЗАЦИИ И СТАНОВЛЕНИЯ ТОЛЕРАНТНОГО СОЗНАНИЯ В ОБЩЕСТВЕ ПО ОТНОШЕНИЮ К ЛИЦАМ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ.....	62
8. Дўланбаева Ойгул Аслбек кизи СОЦИАЛ ҚИЁФАНИНГ ҚАДРИЯТЛИ МОТИВАЦИОН ТАВСИФИ.....	75
9. Степанова Ольга Ивановна, Тюкмаева Аида Маратовна ПРОГНОЗ РОЖДАЕМОСТИ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА (НА ОСНОВЕ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ОПРОСА).....	83
10. Фаррух Рустамов Рустам ўғли “БЎШ ВАҚТ” ТУШУНЧАСИГА НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	93
11. Сабиров Алишер Турсунович УСТНАЯ ИСТОРИЯ В ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ.....	102
12. Қаршиев Нурмухаммад Олимжонович ЎТИШ ДАВРИДА ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ.....	112

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Дўланбаева Ойгул Аслбек қизи,
Ўзбекистон миллий университети
Социология кафедраси таянч докторанти
e-mail: Sujdiniya@mail.ru

СОЦИАЛ ҚИЁФАНИНГ ҚАДРИЯТЛИ МОТИВАЦИОН ТАВСИФИ

For citation: Do‘lanbaeva Oygul, Characteristics of the value motivation of a social portrait. Journal of Social Studies, 2021. vol. 4, issue 2, pp. 75-82

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-2-8>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада социал қиёфа яратишнинг турли хил элементлари билан биргаликда мотивацион ва қадриятли тавсифига ҳам алоҳида диққат қаратилган. Бунда ижодкор ёшларнинг қадрият йўналишлари уларнинг муайян даврдаги социал қиёфасининг элементи сифатида қаралиши лозим эканлиги асосланган. Қолаверса, мотивациялар ҳам шахснинг нафақат психологик портрети, балки социал портретини яратишдаги алоҳида элемент эканлигига урғу берилади. Бундан ташқари, “социал қиёфа” тушунчасини очиб беришда социал роллар категориясига ҳам муурожаат қилинган ҳолда уларнинг шахсий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари очиб берилади. Бунда ёш ижодкорлар социал қиёфасини яратишда муҳим ўрин тутувчи қадриятлар ҳамда қадрият йўналишлари, хулқ-атвор меёрлари ҳамда стандартлари нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек, турли шаклдаги эҳтиёжлар ҳам ёш ижодкорлар социал қиёфасини яратишдаги муҳим белгиларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилган.

Калит сўзлар: социал портрет, психологик портрет, қадрият йўналишлари, мотивация, статус, хулқ-атвор модели, хулқ-атвор меъёри, ижодкор, хулқ-атвор стандартлари.

Дўланбаева Ойгул Аслбек кизи,
Базовый докторант кафедры Социологии
Национального университета Узбекистана
e-mail: Sujdiniya@mail.ru

ХАРАКТЕРИСТИКА ЦЕННОСТНОЙ МОТИВАЦИИ СОЦИАЛЬНОГО ПОРТРЕТА

АННОТАЦИИ

В статье особое внимание уделяется мотивационному и решающему описанию, а также различным элементам создания социального имиджа. Обосновывается, что ценности творческой молодежи следует рассматривать как элемент социального образа в определенный период. А также подчеркивается, что мотивации – это не только психологический портрет личности, но и отдельный элемент при создании социального портрета. Кроме этого, при

раскрытия понятия «социальный портрет» уделяется особое внимание на личностные параметры ценностей в котором используются категории социальных ролей. На данном этапе анализируются ценности отражающие социальный облик молодых творческих деятелей, основанные на ценностных ориентациях, стандартах норм поведения социума. А также, в проявлении социального облика молодых творческих деятелей уделяется большое внимание на уровень влияния разнообразных форм потребностей общества.

Ключевые слова: социальный портрет, психологический портрет, ценностная цель, мотивация, статус, модель поведения, норма поведения, креатив, стандарты поведения.

Do‘lanbaeva Oygul Aslbek qizi,
Basic doctoral student of the Department of Sociology
National University of Uzbekistan
e-mail: Sujdiniya@mail.ru

CHARACTERISTICS OF THE VALUE MOTIVATION OF A SOCIAL PORTRAIT

ANNOTATION

This article pays special attention to the motivational and decisive description, along with the various elements of creating a social image. It is based on the fact that the values of creative youth should be considered as an element of their social image in a particular period. In addition, it is emphasized that motivations are not only a psychological portrait of an individual, but also a separate element in the creation of a social portrait. In addition, when disclosing the concept of "social portrait", special attention is paid to the personal parameters of values in which the categories of social roles are used. At this stage, the values reflecting the social appearance of young creative figures based on value orientations, standards of social behavior norms are analyzed. And also, in the manifestation of the social appearance of young creative figures, great attention is paid to the level of influence of various forms of society's needs.

Keywords: social portrait, psychological portrait, value target, motivation, status, behavioral model, behavioral norm, creative, behavioral standards.

“Портрет” тушунчаси асосан тасвирий санъатда қўлланилишига қарамай, турли ижтимоий воқеликларни акс этиришда ҳам фойдаланилади. Социология соҳасидаги тадқиқотларда “социал портрет” тушунчаси: врачлар, ўқитувчилар, талабалар, мухлислар каби турли ижтимоий гуруҳларнинг типик, умумий хусусиятларини ўрганишда қўлланилади [1, - Б. 20].

“Портрет” сўзининг этимологиясига эътибор қаратсак, умумэтироф этилган маънога кўра портрет, тасвирий санъат жанрларидан бири саналади. Хорижий тиллар луғатида “портрет” (фр. *portrait*) 1) муайян киши ёки гуруҳнинг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графикада акс этирилган тасвири; 2) бадиий адабиётда бирор қахрамоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашни англатади. Мазкур сўз француз тилидан олинган бўлиб, ўзбек лексиконида ҳам кенг фойдаланилади ва турли маъно касб этади.

Дастлаб “портрет” тушунчаси фақат тасвирий санъатда қўлланилган бўлса, кейинчалик у санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам фойдаланилди. 1989 йилда нашр этилган “Совет энциклопедиясида” “портрет” тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Портрет – тасвирий санъат жанрларидан бири бўлиб, бир ёки бир нечта кишининг қиёфаси ўзига хос индивидуал хусусият сифатида тасвирланади. Портрет тасвирланаётган кишининг нафақат ички, балки унинг маънавий дунёсини ҳам акс этиради. У муайян даврдаги халқ, синф вакилининг типик образини, ўзига хос моделини ифодалайди”.

Ушбу таърифга кўра, портрет нафақат алоҳида инсонни балки, бир нечта кишилардан иборат гуруҳларни тасвирлашни, тасвирланаётган объектнинг нафақат ташқи, ички маънавий қиёфасини ҳам ифодалашни англатади. Бу маънода портрет типик образ тушунчаси сифатида ҳам намоён бўлади. Шунингдек, “портрет” тушунчаси санъатшуносликка оид адабиётларда

кенг қўлланилади. Санъатшунослик энциклопедияларида “портрет”- воқеликда мавжуд алоҳида инсон ёки, кишилар гуруҳининг тасвири бўлиб, унинг муҳим мезонларидан бири, бу – тасвирланаётган объектнинг ҳам, ташқи, ҳам ички (психологик) қиёфасининг оригинал моделга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Бундан ташқари, портрет тасвирланаётган объект мансуб бўлган давр, ижтимоий муҳит каби омилларни ҳам тўғри ифодалаш лозим [2, - Б. 1054].

“Портрет” тушунчасига оид юқорида келтирилган таърифларни умумлаштириб айтиш мумкинки, портрет – тасвирий санъат жанрларидан бири саналади. Унга кўра, тасвирланаётган объектнинг ташқи, ички психологик қиёфаси очиб берилади ҳамда муайян ижтимоий муҳит ёки тарихий даврга хос типик хусусиятлар ифодаланади. Ушбу мезонга мувофиқ яратилган портрет тасвирланилаётган шахс ёки гуруҳнинг қандай ижтимоий муҳит ёки, тарихий даврга мансублиги, фаолият тури ва характери ҳақида маълумот беради.

Социологиянинг турли соҳалари анъаналарида «портрет» тушунчаси жамиятнинг муайян вакилининг хулқ-атвори, ўзига хос хусусиятлари ҳамда характерини очиб бериш мақсадидда кенг қўлланилади. Бир қанча тадқиқодчилар портретнинг жамоавий тавсифи, тасвирланаётган субъектларнинг ижтимоий қиёфасини социал портретнинг муҳим ва алоҳида белгиси сифатида кўрсатадилар [12, - Б.76].

Социал қиёфа – социологиянинг ўзига хос жанри бўлиб, ўрганилаётган объектнинг характерли жиҳатлари максималлаштирилган ҳолда тадқиқ этилади. Унга кўра, қиёфаси яратилаётган муайян ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи, иқтисодий ҳолати, кадрятий мўлжаллари, эҳтиёж ва мотивацияларига оид энг умумий ва нисбатан барқарор хусусиятлар умумлаштирилади. Табиийки, ушбу хусусиятлар турли социологик тадқиқотлар натижаларига асосан тўпланади.

Социал ролларнинг ўзига хос кўпқиррали томонини турли стереотиплар, кадрят ва ахлоқий ориентациялар қамраб олади. Ушбу жиҳатлар шахснинг манфаатларини белгилаб, унинг хулқ-атворини муайян қолибга солади. Т.Парсонснинг таъбири билан айтганда: “ҳар бир шахс ўзининг мотив ва эҳтиёжларига максимал даражада мос келувчи ролларни бажаришга ҳаракат қилади” [1]. Ушбу мотив ва эҳтиёжларнинг асосини шахснинг кадрят ориентациялари тизими ташкил қилади.

Кадрят тушунчаси инсон социал ҳаётининг асосий омилларидан бири саналади. Кадрят тушунчасини бошқа тушунчалар билан таърифлаш адекват маъно бермайди, шу боис мазкур тушунчани инсон учун кадр қийматга эга маънолари билан изоҳлаш мумкин. Рус социологи В.П.Тугаринов кадрят тушунчасини эҳтиёж, манфаат, қиймат тушунчалари билан боғлайди [1]. Ёш ижодкор шоирларнинг социал қиёфасини яратишда уларнинг кадрят йўналишларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ижодий фаолияти давомида унинг мотивлари бир кадрятга эмас, балки кўплаб кадрятлар мажмуасига асосланган бўлади. Кадрят йўналишларининг инсон хулқ-атворини назорат қилишдаги аҳамияти В.А.Ядов бошчилигида ўтказилган социологик тадқиқотларда ҳам таҳлил этилади [3, - Б. 127].

Ф.Знанецкийга кўра, кадрят тушунчаси нарса феномен тушунчасидан фарқланади. Кадрят субъектив бўлиб, у инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлади [4, - Б. 51-52].

Т.Парсонснинг таърифига кўра, кадрят бу, норматив стандарт бўлиб, у индивиднинг хусусий ҳолатларини қамраб олади ҳамда социал муҳит билан шартланган хулқ-атвор тизимисифатида намоён бўлади. Ўз навбатида меъёр индивид ва жамоа учун белгиланган хулқ-атвор модели ҳисобланади [5]. Кадрятлар тизими шахснинг нисбатан барқарор жиҳати саналади. Улар инсон ҳаёти давомида интиладиган идеаллар ва эталонлар билан боғлиқ бўлади. Кадрятлар инсон фаолиятини режалаштиришга, узоқ муддат бир қолипда ушлаб туришга сабаб бўлади. Кадрятлар инсон хулқ-атворининг асосий жиҳатини, унинг алоҳида ҳатти-ҳаракатларини белгилайди. Бу маънода кадрятлар шахс мотивацияларини детерминлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади [6, - С.303-311]. Кадрятлар инсоннинг тасаввурлари, дунёқараши, унинг ижтимоийлашув меъёрларини белгилайди.

Қадриятлар тизими асосан мотив ва эҳтиёжлар соҳаси билан боғлиқ, зеро, айнан қадриятлариждоқ фаолиятининг қандай мотив ва установкалар билан боғлиқлигини тушунишга имкон беради. Қадриятлар, мотивлар, эҳтиёжлар ва установкалар ҳар қандай ижодий фаолиятда, шунингдек, шоир шахсиятининг турли жиҳатлари: турмуш тарзи, бўш вақтни ўтказиш, социал кайфият, оилавий ҳаёт, ҳамда бошқалар билан муносабатда намоён бўлади. Шоир ёзувчиларнинг турли ижодий уюшмалардаги фаолияти ҳамда яратган ижод намуналари уларнинг қадрият тизимини белгилайди. Иждоқорлар, хусусан шоирларнинг қадрият йўналишларининг ўзига хослиги шундаки, улар ўзлари мансуб бўлган ахлоқий ва бошқа социал меъёрларни ёқлаш билан бирга уларга нисбатан норозилик кайфиятини ҳам намоён этадилар. Чунки, коникмаслик ҳолати иждоқорликнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Э.Дюргеймнинг фикрига кўра, “санъат муайян ахлоқийликни ифодалаш керак, албатта, бироқ уни турли қонун-қоидалар билан чегаралаб ҳам бўлмайди. Санъатнинг асосий функцияси кишиларга гўзаллик ва интеллект улашишдир. Бу маънода санъаткор ахлоқий постулатларни тарғиб қилаётган черков руҳонийсидан фарқ қилади” [7, - Б. 130].

Бироқ, шунга қарамай, иждоқорлар, хусусан, шоирлар турли ижодий уюшма ва гуруҳларнинг аъзоси сифатида жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизими таъсирига тушишга мойил бўладилар, бу ҳол уларнинг эмоционал таъсирчанликлари билан ҳам изоҳланади. Бундан ташқари, иждоқорлар фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш, уларни турли мукофот ва грантларга жалб қилиш жамиятдаги доминант қадриятлар билан компромисс, яъни мураса қилишга ундайди. Айнан мазкур ҳолатни Лентон “ҳаётий мақсад”нинг компонентларидан бири, деб атайди. Ушбу социал мақсад қайсидир маънода биологик импульслар билан ҳам боғлиқ. Бироқ, бу маънода биологик импульслар муҳим аҳамият касб этмайди [8, - С. 119].

Иждоқор, хусусан, шоир статуси турли спектордаги қадриятлар тизимини тақозо этади, шоир нафақат муайян қадриятлар тизимига эга бўлади, у ушбу тизимни ўз фаолияти давомида узатиб боради. Шоир ҳоҳлайдими йўқми, унинг шахсий қадриятлари биринчи навбатда асарларига, улар орқали эса, китобхонларга таъсир қилади.

Бундан ташқари, қадриятлар индивид хулқ-атворини ва интилишларини бевосита бошқаришга қаратилган ижтимоий идеаллар билан ҳам боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Шунингдек, қадриятлар ўзаро алоқадорлик касб этади ва бу алоқадорлик икки хил кўринишда намоён бўлади: биринчидан, қадриятлар аҳамиятлилик даражасига кўра тақсимланади ва улар иерархик структурага эга. Иккинчидан, ушбу қадриятлар ўзаро уйғун, бир-бирини тўлдириш билан бирга, мўътадил, ҳатто ўзаро зид, қарама-қарши кўринишда ҳам намоён бўлади.

Ҳар бир иерархик структурада бўлгани каби иждоқорлар, хусусан, шоирлар қадриятлар тизимини қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

1. Ғоят даражада маъқул кўриладиган, лекин доим ҳам амал қилинмайдиган қадриятлар.
2. Нормал, деб ҳисобланиладиган ҳамда кўп ҳолларда амал қилинадиган қадриятлар.
3. Меъёрий бўлмаган, қораланиладиган, шунингдек, ахлоқсизлик, жиноят сифатида баҳоланиладиган қадриятлар.

Баъзи қадриятлар легитим, мажбурий бўлиб, стандарт сифатида қабул қилинади ҳамда уларнинг воситасида муайян мақсад амалга оширилади. Айрим қадриятлар эса, нормадан ташқари, прагматик қадриятлар сифатида кўрилади.

Иждоқор, яъни шоир шахсияти идентиклигининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу – уни жамият ичида авторитет сифатида қабул қилинишидир. Иждоқор авторитети ўз навбатида у шуғулланадиган соҳанинг нуфузи билан боғлиқ тарзда баҳоланади. Э.Дюргеймга кўра, авторитет – ахлоқий ва маънавий таъсирга эга. Дюргеймнинг фикрига кўра, санъаткордан икки жиҳат талаб этилади. Биринчидан, иждоқор ўз иродасини намоён қила билиши керак. Иккинчидан, бошқалар қаршисида ўз нуфузини намоён этиш учун, у авваломбор шу авторитетни, нуфузни ўзида ҳис қилиши лозим. Иждоқор бошқаларга таъсир кўрсата олиш қобилияти орқали ҳам авторитетга эга бўлади [9, - С. 30].

Иждорларнинг авторитети машхурлик даражаси, турли мукофотлар билан тақдирланганлик билан ҳам ифодаланади. Бу маънода шоирга профессионал сифатида қараш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Р.Мертоннинг фикрига кўра, индивид фаолиятида касбий, яъни машғул бўлган фаолият тури орқали муваффақиятга интилиш белгиланган ролни аъло даражада бажаришга имкон яратади [10]. Мертон ушбу қараш билан илмий иждор билан машғул олимларни назарда тутди. Бироқ, бизнингча, ушбу фикр барча иждорлар, хусусан шоирларга ҳам тааллуқли саналади.

Одатда авторитет расмий ҳамда норасмий кўринишга эга. Шоирларнинг расмий авторитети: турли даражадаги халқаро ва давлат мукофотлари билан тақдирланганлик билан белгиланади. Китобхон ва ўқувчиларга намуна, эталон бўлиши учун шоир ўзидаги авторитет уйғотувчи хусусиятларини аниқ билиши ва уларни ривожлантириши керак. Америкалик психолог Д.Ж.Брунернинг фикрича, иждорларнинг нуфузи, авторитети уларга тақдир қилаётган, интилаётган кишиларнинг миқдори билан белгиланади. Бу ўринда авторитет сўзи (лотин тилида) ҳокимият деган маънони англатиши бежиз эмас. Социологияга оид инглиз луғатида: “Агар ҳокимият индивид ёки, гуруҳнинг хоҳишига қарши ўз иродасини амалга ошириш бўлса, у ҳолда авторитет кишиларни бўйсундиришга қаратилган ҳокимият тури саналади. Инсонлар ушбу ҳокимиятни легитим ҳисоблаганлари учун унинг буйруқларига бўйсундилар”, деб ёзилади. Мазкур луғат муаллифлари Макс Вебердан иқтибос келтирадilar. Ўз навбатида М.Вебер авторитетнинг уч кўринишини: легал рационал, анъанавий ҳамда харизматик кўринишларини таърифлаб ўтади [10, - С. 254].

Бу маънода М.Вебернинг умумсоциологик назарияси иждорлар, хусусан, шоирларнинг авторитетга интилишини таҳлил қилишга имкон беради. Легал, рационал ҳамда анъанавий авторитет иждор фаолиятини белгиловчи статус ва роллар жамланмасини амалга оширишда намоён бўлади. Харизматик авторитет эса, иждорни ноодатий, ўзига хос шахс эканлигини ифодалайди. Бундай авторитетга эга бўлган шоирларнинг ҳатти-ҳаракати одатий хулқ-атвор стандартларга мос келмайди.

Иждор, хусусан, шоир статусининг яна бир муҳим жиҳати бу – ўз-ўзини идентификациялашдир. Агар шоир ундан қутилган хулқ-атвор моделига мос келмаса, ўзини ноқулай ҳис қилади ва ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмайди. Табиийки, бу ҳол ўз-ўзини идентификация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади, ўзини идентификация қилиш билим малака оширишга, истеъдотни ўсишига, ўз устида узлуксиз ишлашга туртки беради.

Иждорнинг индивидуал ҳолатига боғлиқ тарзда ўз билими ва иқтидорини ошириш жараёнини уч хил кўринишда таҳлил қилиш мумкин:

1. ўзини англаш жараёнида аниқланган шахсий камчиликларни бартараф этиш;
2. ўзидаги истеъдотни қайси соҳага йўналганлигини аниқлаш;
3. иждор статусига мос келадиган шахсий сифатларини янада такомиллаштириш.

Фан технологиялари тараққий этган замонавий жамиятда ҳар қандай иждор ўз билим ва истеъдодини узлуксиз, режали бир мақсадга йўналтирган тарзда ривожлантириб бориши талаб этилади. Бундан ташқари, ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш ҳар қандай иждорни, хусусан, шоирларнинг ҳам, билим ва истеъдодини оширишга, маданий, интеллектуал, маънавий, ахлоқий жиҳатдан юксалишга имкон беради.

Жамиятда иждор статусининг нуфузи иждодий фаолият билан шуғулланишга мотив уйғотади. Шунингдек, иждодий фаолиятнинг истиқболи, уни ижобий баҳоланиши иждорлар хулқ-атворини муайян даражада стандартлашишига имкон яратади. Бу маънода, иждор, хусусан шоирларнинг социал қиёфасини яратишда уларнинг мотивларини таҳлили ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, касбий ёки, иждодий фаолиятга қизиқиш асосий мотивация берувчи амаллардан бири саналади. Бу ўринда, муайян касб ёки, иждодий фаолиятнинг жамиятдаги аҳамияти, нуфузи, истиқболи, иқтисодий имкониятлари ва бошқа кўрсаткичлар мотивацияга сабаб бўлади. Мотивацион соҳа муайян фаолиятга йўналтириш, шу фаолиятга оид хулқ-атвор моделларини шакллантириш функциясини бажаради. Мотивацион соҳа муайян фаолият вужудга келишидан олдин унинг хулқ-атвор стандартларини шакллантирувчи, шунингдек, шу

фаолиятдан кейин ҳам, фаолиятга оид хулқ-атвор моделларини сақлаб қолувчи омил сифатида мавжуд бўла олади.

Мотивацион соҳанинг ривожланиши ва стимул талаб ва мотив ўртасида ўзига хос боғловчи сифатида намоён бўлади. Бу мутаносиблик аксарият ҳолларда моддий ёки маънавий рағбат кўринишида бўлади. Фаолият ёки хулқ-атворга таъсир кўрсатиш учун стимул онгли тарзда ёхуд, шахс томонидан ўзлаштирилган бўлиши лозим. Бу ўринда, социал мотивларни: эмоция, мақсад, установка каби психологик ҳолатлардан ажратиб бўлмайди. Куч ва қатъият социал мотивларнинг асосий сифатлари саналади.

Ижодкорларнинг, хусусан шоирларнинг мотивацион соҳасини ўрганиш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон беради. Шоирларнинг социал қиёфасини яратишда уларнинг меҳнат фаолиятига, мотивларига ўзлари томонидан берилган баҳо асосий хусусиятлардан бири сифатида қабул қилинади. Россияда чоп этиладиган “Социология ва ижтимоий антропология” журналининг “Касбим тақдирим” номли рукнида турли соҳа вакиллари билан бир қаторда ижодкорлар билан ҳам интервьюлар бериб борилади [13]. Бунда ёзувчи ва олим профессор И.А.Голосенканинг “Социология ва ижтимоий антропология” журнали муҳбири В.В.Козловский берган интервьюсида: ”Мени илм ва ижод билан шуғулланишга асосан икки мотив ундаган. Улардан бири, билим олишга интилиш, иккинчиси эса, туғилиб яшаган еримдаги носоғлом муҳитдан қочиш. Шу икки мотив мени илм ва ижод соҳасида кўплаб ютуқларга эришишимга туртки берди [14, - Б. 11].

Мотивация жараёни индивиднинг ҳатти-ҳаракати ва фаолияти давомида амалга ошади. Бу маънода мотивация кўплаб фанларнинг объекти ҳисобланади. Социологияда турли ижтимоий гуруҳларнинг эмперик ўлчовлар билан қайд этилган типологик ҳатти-ҳаракати ва мотивлари, шунингдек, уларнинг объектив қонуниятлари ҳамда хулқ-атворни бошқариш механизмлари предмет сифатида ўрганилади. “Мотив”, “эҳтиёж”, “манфаат”, “установка” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ижтимоий феномен сифатида етарлича тадқиқ этилмаган. Аксарият тадқиқотчи олимлар мотивларнинг шаклланиш сабаблари ҳамда мазмун моҳиятини ўрганар эканлар, уларнинг таркибига установка, эҳтиёж, ташқи таъсир каби тушунчаларни ҳам киритадилар.

Ижодий фаолият мазмун жиҳатдан касбий фаолиятга яқин бўлганлиги учун ижодкорларнинг ўз фаолиятларига бўлган муносабатларини касбий, меҳнат мотивлари орқали таҳлил қилиш мумкин. Социологияда меҳнат мотивларини ўрганиш куйидаги мезонларни назарда тутаяди:

1. қарор қабул қилиш жараёнида субъектив ҳолатларни аниқлаштириш ҳамда шарт-шароитни танлаш ҳаракатини амалга ошириш;
2. шахсий ёки, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган установкаларнинг амалга ошишига қаратилган мотивацион ҳатти-ҳаракатларни батафсил таҳлил қилиш;
3. мотивацион жараёнларнинг предметли томонлари, яъни инсон хулқ-атворининг йўналганлиги ҳамда мантикий изчилликни тақозо этувчи субъектив анланган стимулларни тизимлаштириш;
4. касбий гуруҳларнинг турмуш тарзи шароитида доминантлашган мотивацион структураларни таҳлил қилиш;
5. ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида шаклланган барқарор стереотиплар ва мотивларни ўрганиш;
6. шахслараро муносабатларда ажралиб турувчи доминант мотивларни белгилаб олиш;
7. позитив ореинтацияларни шакллантириш мақсадида, индивиднинг шахсий деспозициялари таъсирида хулқ-атвор мотивларини бошқариш методларини ишлаб чиқиш [15, - Б.168].

Эҳтиёжлар инсон ички дунёсини турли ҳиссиётлар ва фикр мулоҳазалар билан бойитади, шакллантиради. Замонавий тадқиқотчиларнинг ишларида эҳтиёжларнинг шаклланишига оид турли, айти пайтда бир-бирига қарама-қарши мулоҳазаларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Г.Дилигенский, Л.Жилина, Д.Кикнадзе, А.Маргулисларнинг тадқиқотларида [16]. Эҳтиёж тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар баён этилади.

Эҳтиёжларнинг социал моҳияти рус социологи А.Г.Здравомысловнинг ишларида етарлича тадқиқ этилади. У бир томондан, эҳтиёжларнинг зиддиятли моҳиятини ўрганар экан, уларни эҳтиёж сифатида намоён бўлувчи турли стимуллар ҳамда субъектнинг структураси билан боғлиқлигини такидлайди.

Ижтимоий фанлар соҳасида инсон эҳтиёжларининг кўплаб таснифлари келтириб ўтилади. Бу ўринда А.Маслоу эҳтиёжларнинг кенг тарқалган турларини келтиради [17, - С.423-424].

А.Маслоу биологик, рухий маънавий, физиологик, жинсий, экзистенциал, хавфсизликка бўлган эҳтиёж каби эҳтиёжларнинг кўплаб турларини таснифлайди.

Х.Меррью эҳтиёжларнинг йигирмадан ортиқ турларини классификация қилади. Х.Меррьюнинг мазкур классификацияси ижтимоий-психологик эҳтиёжларга кўпроқ урғу беради. Ижодкорлар, хусусан, шоирларнинг фаолиятида ушбу эҳтиёжларнинг қуйидаги турлари кўп кузатилади: ҳурматга лойиқ бўлиш ва машхурликка бўлган эҳтиёж; муваффақиятга эришиш, бошқалардан ажралиб туришга интилиш ва юксак марраларни эгалашга бўлган эҳтиёж; мақсадга интилиш талабчанлик ҳамда ўз ютуқларини намоён қилиш эҳтиёжи; диққат марказида бўлиш эҳтиёжи; альтуристик йўналганлик, олийжаноблик, қатъиятлийлик, ўз иродасини бошқаларга ўтказиш эҳтиёжи; ўз-ўзини ҳимоялашга бўлган эҳтиёж; бошқаларга ёрдам кўрсатишга бўлган эҳтиёж; қатъий тартиб-интизомга риоя қилмаслик ва масъулиятдан қочиш эҳтиёжи; ўз хатоларини муҳокама қилишдан қочиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; мағлубият ва омадсизликларни енгиш эҳтиёжи; мустақилликка, эркинликка бўлган эҳтиёж; гўзаллик ва мушоҳадага бўлган эҳтиёж; олам тартиботи ҳақида умумий саволлар бериш ҳамда шу саволларга жавоб бериш эҳтиёжи [18, - С.423-424].

Шунингдек, ижтимоий установка ва шахсий диспозиция ҳам индивидни муайян ҳатти-харакатни амалга оширишига таъсир қилади. Социал қиёфани яратишда қуйидаги ижтимоий установкалар ҳам ғоят аҳамиятлидир. Ушбу установкалар шахснинг фаолиятида намоён бўлувчи муносабатларни, яъни индивиднинг ўзи учун бирор маъно касб этган объектларга нисбатан муносабатларини белгилайди. Муайян мақсадга интилиш; қарор қабул қилиш вақтида олдинги тажрибаларга таянган ҳолда қабул қилинадиган қарор натижаларини башорат қилиш.

Рус социологик адабиётларида шахсий диспозицияга оид В.Ядов таклиф қилган қуйидаги гипотеза кенг тарқалган. Социолог, ижтимоий установкалар тизими иерархик структурага эга эканлигини таъкидлайди. У ижтимоий установкаларни шартли равишда тўртга даражага ажратади:

1. Элементар установкалар. Мазкур установкалар элементар эҳтиёжлар тўқнашганда пайдо бўлади. Уларни типик стандарт вазиятлар орқали қондирилади. Ушбу установкалар индивиддан қатъий реакцияга асосланган хулқ-атвор шаклини талаб қилади.

2. Ижтимоий қайд этилган установкалар. Улар инсон ҳаётининг хусусий ҳолатларида намоён бўлади. Индивидни бирламчи гуруҳларга кириши натижасида пайдо бўлган социал эҳтиёжлар мазкур установкаларни вужудга келтирувчи омил сифатида қабул қилинади.

3. Таянч ижтимоий установкалар. Ушбу установкалар индивиднинг умумий мақсадлари аниқ соҳага йўналганда, намоён бўлади. Улар маълум даражада индивид фаолиятининг у ёки, бу соҳага идентиклигини белгилайди.

4. Қадрият йўналишлари. Улар индивиднинг муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ мақсадига нисбатан муносабатини ифодалаб, уларни амалга оширишнинг усул, воситаларини белгилайди.

Бу маънода қадрият тизимлари диспозицияси, В.Ядовнинг фикрига кўра, ижтимоий чегаравий вазиятларда шахснинг хулқ-атворини назорат қилади [19, - С.89-108].

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, қадрият, касбий меъёрларнинг аҳамиятлилик даражаси турли ижодий фаолият билан шуғулланувчи ижодкорлар учун турлича. Бу ижодкорларнинг қадрият йўналишлари субъектив мазмун касб этиши билан ҳам ифодаланади.

Ижодкорлар, хусусан ёш шоирларнинг бугунги кунга мос социал қиёфасини яратишда, улар қайси кадриятларни бирламчи, ёки, иккиламчи кадриятлар сифатида қабул қилишларини аниқлаш ғоят муҳим. Кадрият тизими мотивацион соҳа ва эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, уларни таҳлил қилиш ёш ижодкорларнинг социал қиёфасини аниқ ифодалашда муҳим ўрин тутди. Ёш ижодкорларнинг нимани маъқул кўришларини билиш, уларнинг мақсадларига қандай интилишларини, эҳтиёжларини, уларни қондириш йўлларини, турмуш тарзини, социал установакаларининг қандай йўналганлигини тушунишга имкон беради. Ўз навбатида, ушбу билимлар ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг ўз имкониятларидан тўла фойдалана олишларига шароит яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёш ижодкорларнинг, хусусан, шоирларнинг социал қиёфасини ўрганиш натижасида юртимизда адабиёт соҳаси қай даражада ривожланаётганлигини, унинг истиқболдаги йўналишларини аниқлашга асос бўлади.

Бу маънода ёш ижодкорлар, хусусан шоирлар, статус ва роллар, кадриятий мотивацион тавсифга эга бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, уларни ўрганиш махсус социологик тадқиқотларни олиб бориш, хусусан, социал қиёфасини яратишни тақозо қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Антонович И.И., Толкотт Парсонс - основатель функционализма, создатель теории социальной системы // Современная американская социология. - М., 1994. - С.73.
2. Советский энциклопедический словарь. - М., 1989. - С. 1054.
3. Харчева В. Основы социологии. - М., 1997. С. 127.
4. Фотев Г., Флориан Знанецкий: гуманистическая социология // Современная американская социология. - М., 1994. - С. 51-52.
5. Парсонс Т. Функциональная теория изменения // Американская социологическая мысль. - М., 1994. С.467.
6. Дробницкий О.Г. Мир оживших предметов. - М., 1967. - С.303-311
7. Захаров И., Ляхович Е. Миссия университетов в европейской культуре. -М., 1994. С. 130.
8. Мертон Р.К. Социальная теория и социальная структура // Социологические исследования. 1992. №2. - С. 119.
9. Дюркгейм Э. Социология образования. Ук. соч. - С. 30.
10. Сторер Н. Социология науки // Американская социология. - М., 1972. С.254.
11. Социологический словарь / Н. Аберкромби, С. Хилл, Б.С. Тернер; пер. с англ.; под ред. С.А. Ерофеева. - М., 1999. - С.28.
12. Викторов В.А, и др. Взгляд на трибуны: социальный портрет болельщика // Социологические исследования. 1991. №5. С.76.
13. Здравомыслов А.Г. Вехи научной биографии // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №3. - С.5-21; Интервью с профессором И.А.Голосенко // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №2. С.5-19; Интервью с профессором В.Я. Ельмеевым // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №4. - С.5-17.
14. А.О.Бороноев. Интервью. Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том. 1. №1. - С. 11.
15. Социология труда. Учебник. - М., 1993. - С.168.
16. Дилигенский Г. Социально-политическая психология. - М., 1996; Жилина Л. Потребности, культура, потребление и ценностные ориентации личности. - М., 1988; Кикнадзе Д.А. Потребности. Поведение. Воспитание. - М., 1968; Маргулис А.В. Проблема потребностей в историческом материализме. - Белгород. 1971.
17. Велик А.А. Культурология. Антропологические теории культур. - М., 1998. - С.197-199.
18. Словарь практического психолога. - Минск, 1998. - С.423-424.
19. Ядов В.А. О диспозиционной регуляции социального поведения личности // Методические проблемы социальной психологии. - М., 1975. - С.89-108.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 2 СОН

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 2

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000